

**Жамиятнинг 2023 йил 1-ярим йиллик бизнес-режасини бажарилиши
хамда жамиятда олиб борилган ишлар бўйича жамият**

бошқаруви раисининг

Х И С О Б О Т И.

Ассалому алайкум,

Хурматли Кўзатув Кенгаш аъзолари!

"Андижон биокимё заводи" акциядорлик жамияти 2023 йил 1-ярим йиллик давомида амалдаги нархларда **107 млрд. 679 млн. 437 минг** сўмлик товар маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши режалаштирилган бўлиб, ҳақиқатда **83 млрд. 256 млн. 558 минг** сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва белгиланган режага нисбатан **77,3** фоизга бажарилди.

Озуқали этил спирти ишлаб чиқариш режаси **540,0 минг** далл белгиланган бўлиб, ҳақиқатда **458,0** минг даллга бажарилди ёки белгиланган режага нисбатан **84,8** фоизни ташкил этади.

2023 йил 1 июль ҳолатига, жамиятнинг тайёр маҳсулот омборида **106,15 минг** дал ёки **17 млрд. 759 млн. 844 минг** сўмлик тайёр маҳсулот қолдиғини ташкил этган.

Жамият 2023 йил 6 ой давомида спирт ишлаб чиқариш бўйича қувватлардан фойдаланиш коэффиценти **47,3** фоизни ташкил этди.

Меҳнат унумдорлигидан фойдаланиш режада **299 млн. 110 минг** сўмни ташкил этиб, ҳақиқатда **239 млн. 243 минг** сўмни яни бизнес режа **80,0** фоизга бажарилди.

Жамиятнинг 2023 йил 1-ярим йиллик якуни бўйича соф фойда олиш бўйича белгиланган режа **910 млн. 472 минг** сўмни ташкил этган бўлиб, ҳақиқатда **1 млрд. 558 млн. 149 минг** сўм этиб, режа **171,1** фоизга бажарилди.

2022 йил якуни бўйича жамиятларнинг олинган соф фойдасидан дивидендлар ва ажратмалар миқдорини белгилаш тўғрисидаги йиғилиш қарорига асосан "Андижон биокимё заводи" акциядорлик жамиятининг 2021 йил якуни бўйича олинган соф фойданинг 50 фоизи яъни **3 млрд. 467 млн. 962 минг 5 сўм**ни шундан давлат улушига **3 млрд. 162 млн. 641 минг 922 сўм** дивиденд ҳисобланган.

Йиғилиш қарори ижросини таъминлаш мақсадида жамиятнинг молиявий-иқтисодий ҳолатидан қатъий назар жорий йилнинг август ойида жамият давлат улушига ҳисобланган дивиденд маблағини тўлиқ ва ўз муддатида давлат бюджетига ўтказиб бериш чоралари кўрилмоқда.

Жамиятда ишлаб чиқаришни узликсизлиги таъминлаш ва Республикамиз ички бозорида маҳсулотларимиз сифатида юзасидан негатив фикрларга чек қўйиш мақсадида Халқаро спирт ва алкоголь маҳсулотлари дегустация комиссиясининг хулосасига асосан 2023 йил февраль ойида танлов натижаларига кўра жамият томонидан тақдим этилган "Экстра", "Люкс" ва "Альфа" навли этил спирти юкори баҳоланиб, "Олтин" медаллари билан тақдирландилар.

Шу билан бирга, жамиятимизнинг харидорларига қулайлик яратиш, яъни сотиб олинган маҳсулотни ўз вақтида етказилишини таъминлаш мақсадида, жамиятга спиртовоз машиналари сотиб олинган.

Ишлаб чиқаришда ютуқлар бўлган каби бир қатор муаммолар ҳам мавжуд эмас.

Алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхонларда ишлаб чиқарилаётган тайёр алкоголь маҳсулотларини қолдиқларини юқорилиги натижасида айланма маблағларининг танқисчилиги туфайли, ҳозирги кунда жамиятда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш жараёнларида узилишлар вужудга келмоқда.

Бу эса,

- 1) Жамиятнинг тўлиқ қувватларда ишлашига;
 - 2) Белгиланган бизнес-режа кўрсаткичлари бажарилмаслигига;
 - 3) Ишчи ва хизматчиларни ойлик маошларини вақтида берилмаслигига;
- жамиятнинг бюджет олдидаги мажбуриятларни бажарилмаслигига;

Бир сўз билан айтганда иқтисодий таназзулга олиб келиши ва 340 нафар ишчи ходимларни ишсиз қолиши эҳтимоли жуда юқори бўлиб қолмоқда.

"Андижон биокимё заводи" акциядорлик жамияти бошқаруви юқорида қайд этилган яъни жамиятнинг молиявий-иқтисодий ҳолатини қониқарсиз ҳолатга олиб келмаслиги бўйича барча чораларни кўрмоқдалар.

Эътиборларингиз учун раҳмат!

**"Андижон биокимё заводи" АЖ
бошқарув раиси Х.Юлдашев**